

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукуқида

УДК: 338(100)+33(510)

АСАДУЛЛАЕВА ИНДИРА РУСТАМОВНА

ХИТОЙ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИГА ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ
ТАЪСИРИ: УМУМЖАҲОН ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА НАМОЁН БЎЛИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ

08.00.11 – Хорижий мамлакатлар иқтисоди ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2006

33М(043.3

A-82

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ташки иқтисодий фаолият” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар

Иқтисод фанлари доктори, академик С.С. Гуломов

Расмий оппонентлар:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Р.Х. Шодиев

Иқтисод фанлари номзоди, доцент А.М. Алимов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг
Иқтисодиёт институти

Диссертация химояси 2007 йил “ ” соат да
Тошкент давлат иқтисодиёт университети кошидаги иқтисод фанлари
доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича
Д067.06.01 ракамли Ихтисослашган Кенгаш йигилишида ўтказилади.
Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил “ ” да тарқатилди.

Ихтисослашган Кенгаш
илмий котибаси, иқтисод
фанлари доктори, профессор

М.С. Қосимова

1. Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарбилиги. XXI аср ибтиодисида жаҳон хўжалиги ўз ривожининг янги босқичига кўтарилиган бир шароитда унинг глобаллашуви ва иқтисодий интеграция жараёнлари республикамизнинг бу даврдаги ривожланишида янги талабларни келтириб чиқарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётiga ўтишнинг ўзига хос йўли концепциясига амал қилиб, миллий иқтисодиётда туб институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда мустакиллик йилларида ташки иқтисодий фаолият ривожланиши бўйича муайян амалий ишлар бажарилди.

Бу хусусда мамлакат Президенти И.А. Каримов: "...биз ташки савдони либераллаштиришда, жаҳон хўжалик алокаларига интеграциялашув борасида янада салмокли натижаларга эришдик. Бунда мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, экспорт-импорт операцияларини божхона тарифлари орқали тартибга солишини янада такомиллаштириш, божхона тўловларини унификация қилиш, солик ва божхона маъмуриятчилиги билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш бўйича кўрилган чора тадбирлар катта рол ўйнади."¹ – деб таъкидлаган эди.

Жаҳон хўжалиги глобаллашувининг ҳозирги босқичи мамлакатлар ўзаро боғлиқлигининг, шунингдек умуман жаҳон иқтисодиёти ривожланиши суръатларининг кучайиши билан таърифланади. Бу ўзаро боғлиқликтининг ортишига сабаб бўладиган омиллардан бири мамлакатлар Ўртасидаги ҳаракатда бўлган ҳалқаро капитал алмашинувининг кучайишидир. Глобаллашувининг давлатлар ташки иқтисодий фаолиятига таъсирини ва бу борадаги умумжаҳон тенденциялар ва намоён бўлишининг яна бир хусусиятини ташки иқтисодий фаолиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири – ташки савдо ривожини ўрганиш орқали кузатиш мумкин. Бу ерда хорижий мамлакатлар, хусусан Хитой тажрибасини, глобаллашув шароитида унинг ташки иқтисодий фаолияти ривожланишини ва савдо сиёсатини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Глобаллашув жараёнлари барча ўтиш даври мамлакатларининг ва шунингдек ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларини аниқловчи ва унинг дунёдаги иқтисодий таъсирини оширувчи муҳим омил ҳисобланади. Унинг натижаларини Хитойнинг Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ)га аъзо бўлиб киришида кўришимиз мумкин. Хитойнинг УСТга аъзо бўлганидан кейинги иқтисодий ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатдики, мамлакатнинг УСТга аъзо бўлишининг асосий натижаси ташки савдо хажмининг кескин ўсишида намоён бўлди. Иқтисодий тадқиқотлар натижаларига кўра, Хитой нафақат жаҳон хўжалигига янада чукурроқ интеграциялашувни амалга оширишга қодир, балки УСТга аъзо бўлгандан сўнг дастлабки йилларда ёки унинг очик жаҳон савдо тизимиға кириши натижасида мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун маълум афзалликларга эга бўлди.

¹ И.Каримов Эришилган ютукларни мустахкамлаб, янги мэрралар сари изчил ҳаракат килишимиз лозим. Ҳалқ сўзи 11 февраль 2006 й. www.gov.uz

Изланишнинг ахборот базаси сифатида Ўзбекистон ва Хитой расмий статистика органлари, Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг бирламчи статистик маълумотлари, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамгармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларнинг Интернет тармогидаги таҳлилий-статистик шарҳлари ва бошқалар хизмат қиласди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида гурухлаш, эксперт баҳолаш, статистик, график, киёсий, иқтисодий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Глобаллашув шароитида Хитой Халқ Республикасининг ташки иқтисодий фаолияти хусусиятларини аниқлаш, унинг тажрибасини умумлаштириш асосида Ўзбекистон ташки савдосини такомиллаштириш, истиқболларини баҳолаш юзасидан аниқ таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган. Олиб борилган илмий тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

- глобаллашув шароитида Хитой Халқ Республикаси ташки иқтисодий фаолияти хусусиятлари аниқланиб назарий, методологик жиҳатдан таҳлил этилган;
- глобаллашувнинг ташки савдони либераллаштириш жараёнларига таъсири асосланган;
- Хитой Халқ Республикаси ташки савдосининг ривожланиш динамикаси киёсий таҳлил этилган;
- Хитой Халқ Республикасининг ташки иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички ва ташки омиллар тизимлаштирилган;
- Ўзбекистон Республикасининг XHR билан савдо-иктисодий ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари ўрганилган;
- Хитойнинг ташки иқтисодий фаолиятини ривожлантириши соҳасидаги тажрибасини Ўзбекистонга тадбиқ этиш имкониятлари аниқланган;
- Ўзбекистонда ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириши истиқболлари белгиланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хуносалардан ва ишлаб чиқилган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолиятини янада эркинлаштириш, интеграцион жараёнларга қатнашувини ва бозор ислоҳотларини чукурлаштиришда, хусусан ташки савдо соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда ташки савдони ривожлантиришда XHR тажрибасидан унумли фойдаланиш унинг глобал ҳўжалик тизимига муваффақиятли интеграциялашувига ёрдам бериши мумкин. Ишда келтирилган назарий хуносалардан ва амалий тавсиялардан Ўзбекистоннинг УСТга кўшилиш шарт-шароитларини амалга ошириш ва ташки савдо режимини жиддий эркинлаштирилишига қаратилган ташки савдо сиёсатини шакллантиришда, ўзбек-хитой иқтисодий муносабатлари самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчининг “Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви шароитида иқтисодиётни ислоҳ қилиш

ва такомиллаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш” бўйича ишлаб чиқилган тавсиялари Давлат Фан ва технологиялари маркази томонидан тадбиқ этишга тавсия этилган (маълумотнома № 27-742 24.09.2005.). Диссертацияда ишлаб чиқилган тавсияларнинг жорий килиниши савдо ташкилотларининг ривожланиши ва ҳалқаро савдо доирасида минтақавий савдо ҳамкорлигини мустаҳкамланишига олиб келиши таъкидланган холда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиқ этишга тавсия этилган (маълумотнома № 701, 21.09.05.).

Статистик ва таҳлилий материаллар, шунингдек услугбий ёндашувлар республиканинг иқтисодий олий ўкув юртларида «Жаҳон иқтисодиёти», «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти», «Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар» ва “Минтақавий иқтисодиёт”, “Ташқи иқтисодий фаолият” фанларини ўқитиша қўлланилиши мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот иши Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг (ТДИУ) «Ташқи иқтисодий фаолият» ва «Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраларининг қўшма мажлисида, ТДИУ Муаммоли-мувоффиклаштирувчи кенгаш мажлисида, шунингдек Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг илмий семинарларида мұхокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Диссертациянинг асосий назарий ва амалий натижалари, хуносалар ва тавсиялари “Global academic networking on business innovation, economic growth, human resources and information technology” ҳалқаро илмий-амалий анжумани (Бишкек 2006), XIX Ҳалқаро Плеханов ўқишлари (Москва 2006 й.), XVIII Ҳалқаро Плеханов ўқишлари (Москва 2005 й.), Аспирант-талабаларнинг IV Ҳалқаро илмий-амалий анжумани (Донецк 2001 й.), «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари» республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2005й.), «Фан ва иқтисодий тараққиёт» республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2005й.), “Вступление Республики Узбекистан в ВТО: новые возможности и вызовы» илмий амалий семинарида (Тошкент 2005й.) маъруза қилинган.

Натижаларнинг зълон қилиниши: диссертациянинг асосий илмий натижалари 11 босма тобоққа яқин 1 та ўкув қўлланма, 1 та брошюра ва 10 та илмий мақола ва тезисларида акс этган.

Диссертация ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми жами 159 бетдан, шундан 21 та жадвал, 7 та расм ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқотнинг кириш кисмida танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, унинг назарий ва методологик асослари, услугбий асоси, тадқиқот обьекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг синовдан ўтказилганлиги ва амалга оширилиши тавсифланган.

Биринчи боб «Глобаллашув шароитида ташки савдо ривожланишининг назарий ва услубий асослари» деб номланиб, ташки савдо ва халқаро рақобатбардошлиқ назариялари ўрганилиб, ташки савдонинг ривожланишига глобаллашувнинг таъсири, давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва воситалари таҳлил қилинган.

Иккинчи боб «Халқаро савдода Хитой ташки иқтисодий фаолиятининг намоён бўлиш хусусиятлари ва замонавий тенденциялари» номланиб иқтисодий ислоҳотлар натижасида XXР ташки савдосини либераллаштириш, Хитой ташки иқтисодий фаолияти ва савдо сиёсати, УСТГа аъзо бўлишининг оқибатлари, хусусан, ижобий натижасининг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига таъсири кўриб чиқилган, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида Хитой ташки савдосининг ривожланиш динамикаси таҳлил қилинган ва илмий хуносалар чиқарилган.

Учинчи боби “Ўзбекистонда Хитойнинг ташки савдо механизмини шакллантириш тажрибасидан фойдаланиш: ўзбек-хитой ҳамкорлигини кенгайтириш имкониятлари” номланиб, Ўзбекистонда ташки иқтисодий фаолиятини либераллаштириш ва миллий рақобатбардошликни ошириш масалалари, Ўзбекистон Республикасининг XXР билан савдо-иктисодий ҳамкорлигининг ривожланиши ва Хитойнинг ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги тажрибасини Ўзбекистонда тадбиқ этиш имкониятлари ҳамда уни ривожлантариш истиқболлари ўрганилган.

Хуроса қисмида тадқиқотнинг натижалари умумлаштирилган, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган амалий таклифлар ифодаланган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Жаҳон иқтисоди глобаллашуви ва унинг натижасида мамлакатлар боғлиқлигининг ортиши улар ўртасида юз бераётган иқтисодий муносабатларга бевосита таъсир этмоқда.

Глобаллашувнинг тамойилларини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг ташки иқтисодий фаолияти ва ташки савдоси жаҳон ҳўжалиги тизими билан боғланганлиги сабабли муқаррар равишда нафақат миллий ҳукуқий меъёрлар, балки халқаро ҳукуқий стандартлар билан ҳам тартибга солинади.

Шундай экан, замонавий шароитда ташки савдо сиёсати давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир кўрсатувчи восита бўлиб, ташки иқтисодий фаолият механизмлари орқали амалга оширилади. Давлатнинг ташки савдо сиёсати ҳукумат олиб бораётган умумиктисодий йўналишининг мухим таркибий қисми ҳисобланниб, янада торроқ маънода у экспорт-импорт товар оқимларининг ҳажми, товар таркиби ва жуғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлик бўлган бюджет-солик фаолиятининг соҳаларидан биридири.

Бажарилган тадқиқот иши кўрсатишича, глобаллашув жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдо ўсишининг мухим рағбатлантирувчи омилига айланди, у шахсий мулоқот ҳамда инсон шахсининг ижодий салоҳияти намоён бўлиши учун қўшимча имкониятлар бермоқда. У объектив характерга эга бўлиб, сайёрада инсон ҳамда табиий ресурсларнинг нотекис таксимланиши билан

асосланадики, бу улардан янада унумли фойдаланиш учун халқаро кооперацияни чүкүрлаштириш заруриятини белгилаб беради. Шу сабабли глобаллашув жараён сифатида мукобилликка эга эмас. Глобаллашув жараёнлари натижасида келиб чиқкан у ёки бу муаммоларни ҳал этишга бўлган ёндашувларгина мукобил бўлиши мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви интеграциялашувга нисбатан кенгрок тушунчадир, чунки иқтисодий глобаллашув жаҳон хўжалигининг тўғридан-тўғри алоқада бўлмаган қисмларининг ўзаро боғлиқлигини назарда тутади.

Глобаллашувнинг иқтисодиёт либераллашувига таъсири давлатларни ўзаро боғлиқлиги ва халқаро ташкилотларда иштироки даражасининг ортиб боришида намоён бўлди. Айнан халқаро ташкилотларда иштирок этиш давлатларнинг давлат ва нодавлат сегментларини қамраб олган институционал тузилмаларини шаклланишига имкон яратади.¹

Диссертацияда замонавий ташки иқтисодий сиёсатда икки асосий тенденцияларнинг: бир томондан, давлатларнинг миллий иқтисодиёт очиқлигига ўтиши, яъни ташки савдо режимининг эркинлаштирилиши ва иккинчи томондан алоҳидалик унсурларининг саклаб қолиниши, яъни протекционистик чораларининг қўлланилиши асослаб берилиган.

Миллий иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган ташки савдо сиёсати ўзаро рақобатлашувчи икки йўналишга – эркин савдо сиёсати ва протекционизм сиёсати ажратилган. Ташки савдони давлат томонидан тартибга солиш воситалари турли шаклга эга бўлиб, уларни товар оқимларига таъсир этиш характеристи бўйича икки асосий турга: иқтисодий ва маъмурий воситаларга гурухланган.

Нотариф усуllар олиб кирилаётган ёки олиб чиқилаётган маҳсулотнинг ҳажми ва номенклатуроси чекловлари каби товар айланмасига таъсир этиш воситаларини билдиради. Улар кўпроқ ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётлари учун характеристи, чунки шаклланаётган бозор тузилмалари ҳукумат томонидан протекционистик иқтисодий сиёсат юритишни тақозо этади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, XXР томонидан ташки савдони тартибга солишининг у ёки бу воситасини қўллаши ички иқтисодий вазиятга ва жаҳон бозоридаги ҳолатга боғлиқ, янада аниқлаштирилганда эса бир қатор омиллар йигиндисига боғлиқ. Масалан, рақобат курашининг кескинлашуви, валюта курслари барқарорлигининг бузилиши, тўлов балансининг камомади, ўтиш иқтисодиётли ва ривожланаётган мамлакатларнинг ташки қарздорлиги ва бошқалар.

Шундай қилиб, ривожланаётган ва шаклланаётган бозор иқтисодиётига хос мамлакатлар сўнгти 20-30 йил мобайнида анча юқори барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилаётган айрим мамлакатлар тажрибасидан керакли хуносаларни чиқариб олиши мумкин. Фикримизча, муваффақиятли ривожланаётган мамлакатларга Хитой ва “Осиё йўлбарслари”ни киритиш

¹ V.Cable Globalization and Global Governance G.B, London, 2003, p.98

мумкин. Ушбу мамлакатлар импорт режимини аста-секин эркинлаштириш сиёсатини олиб бориб, экспорт ҳажмини оширишга эришди.

Ушбу мамлакатларда очик савдо режимига қўшимча развища ички савдо сиёсати амалга оширилади ва ривожланишни қўллаб-кувватлаш институтлари ташкил этилган. Хитой ташки савдоси ривожланишида тадбиркорликкунинг ривожланиши учун қулайлик тугдирувчи барқарор макроиктисодий вазият, шунингдек пухта ўйланган рақобатни ривожлантириш сиёсати катта аҳамиятга эга бўлди.

Диссертация ишида Хитой ташки иқтисодий фаолиятининг ривожланишида глобаллашувнинг таъсири ва намоён бўлиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Хитой иқтисодиёти жаҳон иқтисодиёти бўйича экспертларнинг диккат марказида турибди, чунки ярим асрлик давр ичидаги мамлакат жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди.

Хитой иқтисодиётининг қўшимча ўсиш суръати, 2005 йил ҳолатига кўра, иқтисодчиларнинг башоратларидан ҳам зиёд бўлди. Инвестицияларнинг қўшимча ўсиши ва экспорт ҳажмининг ортиши натижасида ЯИМ 9,5%га ўди. Бу кўрсаткич ўргача бозор башорати – 9%дан юқоридир. Жорий йилда инфляция 2,8%ни ташкил этди (хукумат лимити – 4%), саноат ишлаб чиқариш индекси (Industrial production) эса 16 % ўди. Бу кўрсаткич 2004 йилдаги ўсищдан анча юқоридир. Пекин Миллый Статистика Бюроси маълумотларига кўра, 2005 йилда компьютерларни ишлаб чиқариш 69% га, лаптопларни ишлаб чиқариш 100%га ощи. Саноатнинг бундай ўсишини асосий омилларига Хитой маҳсулотига талабнинг мунтазам ошиб бораётгани ва арzon ишчи кучи самарадорлигининг ошиши киради.

Ислохотлар йилларида Хитой иқтисодий тизими чуқур ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўзгаришлар нархнинг шаклланиши тизимида амалга оширилди. Кўп турдаги маҳсулотлар нархлари эркинлаштирилди. Истеъмол товарлари бўйича бозор нархлари улуши 90%га, ишлаб чиқариш воситалари бўйича – 80 %, кишлоп хўжалик маҳсулотлари бўйича – 85%га етди.

Солик, банк, валюта ва инвестицион тизимлар қайта ташкил этилди. Қўшимча қийматта солик, корхоналар учун ягона даромад солиги, марказий хукумат ва маҳаллий маъмуриятлар ўртасида соликларни тақсимлаш тизими жорий этилди. Бунда марказ улушкига солик тушумларининг кўл кисми тўғри келади.

Хорижий валюталарнинг расмий ва бозор курслари бекор қилинди ва бозор билан тартибга солинувчи ягона сузуб юрувчи курслар киритилди.

Мамлакат иқтисодий ҳәтида тобора кўпроқ рол ўйнаётган бозор механизми шакллантирилмоқда. Давлат бошқарув режалари билан тартибга солинувчи саноат маҳсулоти турларининг улуши 1978 йилги 95% дан ҳозирги вақтда 5%гача камайди.

Режали тизим бевосита бошқарувдан билвосита бошқарувга, натурал кўрсаткичлар устунилигидан қиймат кўрсаткичлари устунилигига, жамоат мулкчилигидаги корхоналар назоратидан барча мулк шаклларидаги корхоналарни назорат қилишга ўтди.

Тахлиллар кўрсатишича, бундай кенг кўламли ижобий натижаларга олиб келган асосий омилларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатнинг ташки дунёга босқичма-босқич интеграциялашуви;
- ислоҳ қилишнинг асосий усули сифатида иқтисодиётнинг бутунлай эркинлаштирилиши эмас, балки бозор томон босқичма-босқич тажрибавий текширувлар билан ўтилиши;
- ислоҳотларнинг дастлабки йилларида ёк турли мулк шаклидаги, яъни жамоат, шахсий, хусусий, кўшма (хорижий шериклар иштирокидаги) хўжаликларнинг ривожлантирилиши;
- Хукумат миллий ва хорижий тажрибани ўрганиб, ислоҳотни ўзга кўрсатмалар бўйича эмас, балки мамлакати хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда амалга ошириш зарур деган ҳолосага келди ва «хитойча хусусияти социализмни куриш» йўлига қатъий туриб олди.

Глобаллашув шароитида Хитой иқтисодий ривожланиш дастурининг муҳим йўналиши аридан бири мамлакатни жаҳон хўжалигига, шу жумладан ҳалқаро савдо тизимиға интеграциялашуви стратегияси хисобланади. Хусусан, Хитой ташки савдосини ривожлантиришнинг асосий стратегияси савдони либераллаштиришни ўз ичига олган қарорлар қабул қилинишини аста-секин номарказлаштиришдан иборат.

Хитой амалиётида «иккӣ ўллик» ёндашувдан фойдаланилган бўлиб, унинг маъноси - бозор йўлининг мавжуд режа йўли билан параллел курилишидан иборат. Бу ёндашув қарорлар қабул қилишнинг деярли барча соҳаларига: иқтисодиёт тармоқларидаги ислоҳотлар, баҳоларни давлат аралашувисиз ўрнатиш, корхоналарни қайта ташкил этиш, минтақавий ривожланиш, савдо ривожланиши, валюта айирбоплашни бошқариш, марказ ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида фискал муносабатлар, миллий валюта чиқарилишига тааллуқли. «Иккӣ ўллик» ёндашувни қўйидагиларни назарда тутади:

- нисбатан паст режа баҳолари бўйича давлатга етказиб бериш ҳажмларини ўзгартирмай эркин бозорни очиш;
- бозор баҳолари даражасига чиқиши мақсадида режа баҳоларини аста-секин ўзгартириш. Режа баҳолари бўйича режалаштирилган етказиб берилади. Баҳоларнинг ушбу иккি тури кўлланилганлиги сабабли «шок» кузатилмади.

Жаҳон глобаллашуви шароитида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакат олдида турган муаммолар қўйидагилар: ҳалқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва қолоқ ижтимоий ишлаб чиқариш ўртасидаги зиддиятлар, кучли минтақалараро тафовутларнинг сакланиб қолиши, аввалгидек камбагал аҳоли улушкининг катталиги, катта ёшдаги аҳоли улушкининг ўсиб бориши, ишга жойлаш ва ижтимоий таъминот муаммоларининг сакланиб қолаётганлиги унинг ўзига хос ечимини тақозо этди. Хитой Коммунистик Партиясининг (ХКП)нинг XVI съездидан бу муаммоларни факат модернизация «учинчи қадами»нинг стратегик вазифаларини ва «тўқ жамият» (сюкан шэхузай) куриш вазифасини амалга ошириш асосида ҳал этиш мумкин деб ўзлон қилинди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун иқтисодий

соҳада 2020 йилга келиб ялпи ички маҳсулотни 2000 йилга нисбатан 4 марта (расмий валюта курси бўйича ҳисоблаганда – 4 трлн. долл.дан ортик) кўпайтириш, мамлакатнинг ялпи кудратини ва халқаро рақобатбардошлигини янада кучайтириш, бозор иқтисодиётининг мукаммал тизимини ва эркин савдони яратиш кўзда тутилган.

Тадқиқот ишида XXRнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳолати ҳам таҳлил этилган. XXRда сўнгги йилларда иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишида катта эътибор мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий омили бўлган ялпи талаб ўзгаришларига қаратилди. Бундай ёндашув натижасида ЯИМнинг таққослама баҳоларда ўргача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари 1979 йилдан 2003 йилгача йилига 9,4%ни, охирги беш йил ичида 1998 йилдан 2003 йилгача – 8%ни, 2003 йилда – 9,1%ни ташкил этдики, бу жаҳон хўжалигининг ўргача йиллик ривожланиш суръатлари – 3,8%дан анча юкори. XXR халқ хўжалигини 2050 йилгача ривожлантириш режасига биноан ЯИМнинг ўргача йиллик ўсиш суръатлари 2010 йилгача 7,5%ни, 2020 йилгача – 6,5%ни, 2030 йилгача – 5,5%ни, 2040 йилгача – 4,5% ни ва 2050 йилгача – 3,5%ни ташкил этиши керак. ЯИМ ҳажми 2010 йилда 2,226 трлн долл.ни, 2020 йилда – 4,178 трлн. долл.ни, 2050 йилда эса бу кўрсаткич 15,634 трлн.долл.ни ташкил этиши башорат қилинган. Шундай қилиб, XXI аср ўртасига келиб Хитой ЯИМ ҳажми бўйича (АҚШнинг хозирги ЯИМ ўсиш суръатлари – йилига 3,4% сақланиб қолинган ва Хитойнинг кўзланган режалари амалга ошган тақдирда) АҚШдан ўзib кетиши имкониятига эга.¹

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг, шунингдек унинг дунёдаги иқтисодий таъсири ўсишининг принципиал муҳим омили булиб, XXRнинг ташки иқтисодий сиёсати ҳисобланади. Тадқиқот ишида XXRнинг ташки савдо сиёсати ва ташки савдосининг ривожланиши атрофлича илмий таҳлил этилган. Хитой ташки савдоси ривожланишининг асосий ижобий оқибати 2001 йил ноябрда УСТга қўшилиш ҳисобланади, бу ўз ортидан хорижий ҳамкорларнинг ўз маҳсулотини Хитойга импорт қилишда божхона тўсиқларини ва чекловларни аста-секин олиб ташлашни тақозо этди. Хитой нафақат жаҳон иқтисодиётига янада чуқур интеграциялашувга, балки УСТга аъзо бўлишнинг дастлабки йилларида ёк мамлакат ташки савдоси ривожланиши учун бу жараёндан маълум афзалликларни олишга эришмоқда.

XXRнинг УСТга киргандан сўнг ўтган даврдаги иқтисодий ривожланиш якунларининг кўрсатишича, аввалданоқ жаҳон бозорида рақобатбардош эмас деб топилган айрим тармоклар, масалан, автосаноат аксинча янада тезроқ суръатлар билан ривожлана бошлади. Хусусан, 2002-2003 йилларда автомашиналар савдосининг ўсиш суръатлари XXR ички бозорида ўтган йилларга нисбатан 50%ни ташкил этди ва 1997 йилда 1,58 млн. автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилда 4,4 млн.га етди.

Истиқболда Хитойнинг жаҳондаги иқтисодий таъсири кўламлари глобаллашувнинг ривожланиши ва унинг жаҳон хўжалик алоқаларига кенгрок қўшилиши билан янада ортиб боради. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Хитойда

¹ United Nations ESCAP, URL <http://www.unescap.org/stat/> (2005)

иқтисодий ислоҳотлар натижасида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши жиддий ўсмоқда ва уни амалга оширилиши учун ички бозор кўлами мамлакат ахолисининг 1978 йилдаги 962 млн.дан 2003 йилда 1,3 млрд.гacha ўсишига карамай, торлик қилмоқда. Бунинг учун Хитой хорижда сотиш бозорларини кенгайтириши керакки, у буни охирги ўн йилликда изчилиллик билан ва УСТга кўшилгандан сўнг янада фаолроқ амалга оширмоқда.

Глобаллашув шароитида Хитой ташки иқтисодий сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири хорижий инвестицияларни жалб қилишдир. Хитойга кириб келаётган хорижий инвестициялар миқдори доимий равишда ошиб бормоқда. Бунда бевосита инвестициялар хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини ташкил этади. 2002 йилда бу кўрсаткич 50 млрд. долларни ташкил этган бўлса, турли башпоратларга кўра 2006 йилдан 2010 йилгача Хитой иқтисодиётига инвестицияларнинг йиллик миқдори 100 млрд. долларни ташкил этиши кутимоқда.¹

Ташки иқтисодий сиёсатда савдо балансини қўллаб-кувватлаш, рақобатбардош соҳалар экспортини ошириш, ташки савдо таркибини яхшилаш ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш назарда тутилди.

Хитой миллий, иқтисодий ва сиёсий давлат инқирозидан чиқиб кета олди ва охирги 20 йилда кўп кўрсаткичлар бўйича ўртacha жаҳон ривожланиши даражасига чиқди. Муваффақиятлар шунчалик ёрқинки, Жаҳон банки ва ХВФ каби глобал иқтисодий таҳлил марказлари 2015-2020 йилга келиб, Хитой иқтисодий ривожланишнинг мутлак кўрсаткичлари бўйича Япония ва АҚШ дан ўтиб кетишини башорат қилишмоқда.

Илмий таҳлилларимиз кўрсатишича, Хитой иқтисодий ислоҳотлари ва модернизациясининг асоси бўлиб, очиклик сиёсати ҳисобланади. Очиклик сиёсати, энг аввало глобаллашув шароитида самарали ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишни англатади. Хитойда ташки савдо ислоҳотини ўtkазиш, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштиришни бекор қилиш, божхона тўловларининг умумий даражасини пасайтириб бориш мунтазам ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Марказий банк ва давлатнинг хорижий капитал қўйилмалари учун ҳукуқий ва иқтисодий кафолатлари комплекс тизими ташкил этилган. Давлат керакли шароитларга эга давлат корхоналарининг бевосита инвестицияларни жалб қилиш мақсадида халқаро молия бозорига чиқишини ҳар томонлама қўллаб-кувватлади.

Хитой тажрибаси савдо сиёсатида, аввал юқори ва турли ҳимоялаш тарифлари қўлланилганлигини, сўнгра вакт ўтиши билан улар камайтириб борилганлигидан далолат беради. Бошлиғич босқичларда улар ўз савдо сиёсатининг асосий воситаси сифатида экспортга йўналтирилган маҳсус зоналардан фойдаланишган ва шу орқали экспортни фаоллаштиришга ҳамда импорт килувчилар рағбатларига максимал яқинлаштирилган рағбатларни экспорт қилувчиларга тақдим этишга ҳаракат қилганлар.

¹ Economic and social commission for Asia and Pacific, Draft report, Shanghai, China, 2005

Хитой ташки савдо сиёсатини такомиллаштиришнинг амалий тажрибаси ва унинг УСТга кўшилишининг ижобий оқибатларини ўрганиш Жанубий-Шаркй Осиё мамлакатларининг иқтисодий ислохотларига ва саноат, савдо сиёсатини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.


Халқаро савдо, айниksа Осиё-Тинч океани мінтакасидаги савдо Хитой иқтисодиётининг саноатлашуви таъсирида самарали ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. Хитойнинг УСТга аъзо бўлишининг намоён бўлиш хусусиятларидан бири Осиё мінтакаси мамлакатлари ташки савдосининг қайта шаклланишидир.

Бундан холоса қилса бўладики, ривожланаётган мамлакатларнинг УСТга аъзо бўлиш оқибатларини ўрганиш ва умумлаштириш, хусусан XXРнинг ташки савдосини ривожлантириш амалиёти ва УСТга аъзо бўлиш тажрибаси ижобий оқибатлар ва натижаларни таъминлаши мумкин.

Савдо сиёсатига келсак, таҳлилларимиз шуни кўрсатдикি, ташки савдонинг муваффакиятли ривожланишида XXРнинг 2001 йил ноябрда УСТга қабул қилиниши ижобий рол ўйнади, 2002 йилдаёк XXР экспорти 22 фоизга кўпайди. 2003 йилда XXР ташки савдо айланмаси 851,2 млрд.долл., экспорт 438,4 млрд.долл., импорт 412,8 млрд.долл. ни ташкил этди.¹

2004 йилда Хитой товар айланмаси (1-расм) 1,154 трлн. АҚШ долларини шу жумладан экспорт 593,36 млрд.долл., импорт 561,38 млрд.долл., савдо баланси ижобий бўлиб, унинг сальдоси 31,98 млрд.долл.ни ташкил этди. 2005 йилда ушбу курсаткичлар шунга мос равишда 1,42 трлн. долл., 762 млрд.долл., 660 млрд.доллни ташкил этди (бу 1999 йилдан бери энг юқори курсаткич).

1-расм. XXР ташки савдо айланмаси (ЯИМга нисбатан, фоизда)



Манба: Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган. World Development Indicators, 2004, 2005, 2006й.


Умуман олганда, Хитойда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаган омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин: ўз вактида чукур агарар ислоҳотларни олиб бориш; фаол экспортга йўналтирилган сиёсат; иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва бунинг натижасида иқтисодий ўсиш давлатга тегишли эмас, балки хусусий корхоналар ҳисобига таъминланиши; иқтисодий дастурлар ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви маъмурӣ эмас, балки пировард натижалар (экспортнинг, меҳнат унумдорлиги ва самарадорликнинг ўсиши ва х.к.) билан боғланган кучли иқтисодий рағбатлар

¹ Китай факты и цифры, Издательство «Синсин», Пекин, 2006., с.112

ёрдамида амалга оширилиши; иқтисодиётнинг устивор тармокларига йирик хажмдаги инвестициялар жалб қилиш дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши деб ҳисоблаймиз.

Шунинг билан бирга, Хитой экспортёр сифатида ўз маҳсулотининг юкори рентабеллиги билан ажралиб турмайди, унинг тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал ва майший-техника ишлаб чиқаришдаги рақобат устунликлари мустаҳкам эмас. ХХР ички бозори паст ҳаридга қодир талаб сабабли дунёнинг АҚШ, ЕИ га аъзо ва Япония каби етакчи давлатларида унга ўз товарларини экспорт қилишга кизиқиш ўйғотмайди. Аммо, Хитой экспортида бу давлатлар етакчи роль ўйнайди, уларнинг экспортдаги улуши 2005 йилда мос равиша 163.9 млрд.долл., 143.7 млрд.долл. ва 84.9 млрд. долл.ни ташкил этган. (2-расм).

2-расм. Хитойнинг 2005 йилда асосий шерик мамлакатлар билан импорт ва экспорт кўрсаткичлари (млн. АҚШ дол.)



Манба: Китай факты и цифры, Издательство «Синсин», Пекин, 2005., с.112

XXI аср бўсағасида Хитой иқтисодиёти принципиал жихатдан янги муаммоларга дуч келди, бу муаммолар унинг жаҳон иқтисодиётига жалб қилингандик, жаҳон иқтисодий жараёнларининг Хитой иқтисодиётига таъсири ва Хитой иқтисодиётидаги жараёнлар оқибатларининг Осиё-Тинч океани ва жаҳон хўжалигига таъсири билан боғлик. Илмий кузатишларимиз кўрсатишича, бундай муҳим муаммоларга дефляция, давлат қарзи, банк тизими ва давлат корхоналарини ислоҳ қилиш муаммолари, оптимал валюта курсини танлаш, экспорт ўсиши суръатларини ушлаб туриш, энергетик хавфсизликни таъминлаш, ишсизликнинг ўсиши киради.

Ушбу муаммолар бизда ҳам мавжуд ва фикримизча, Ўзбекистонда Хитойнинг ташки иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш бўйича ижобий тажрибасидан фойдаланиши мамлакатларнинг стратегик ҳамкорлигини янги мазмун билан бойитувчи омилга айланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил равиша ривожланишини таъминлаш мақсадида, республика Ҳукумати томонидан замонавий боскичда бир вақтнинг ўзида давлат назорати тизимини тартибга солиш билан бирга, ташки иқтисодий фаолиятни мунтазам равиша эркинлаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ташки иқтисодий сиёсат республикамизнинг жаҳон бозоридаги мавқенини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини янада яхшилашга, кулагай инвестиция мухитини яратишга янада кенгроқ йўналтириши керак. Бунинг учун республикамизда зарур шарт-шароитлар ва асос мавжуд.

Диссертацияда миллий рақобатбардошликни ошириш омиллари ва йўналишлари таҳлил қилинган. Бизнинг фикримизча, миллий рақобатбардошлик бир қатор омилларга, яъни умумий иқтисодий салоҳият, бошқарув даражаси, молиявий бозор ҳолати ва молиявий хизматлар сифати, инфратузилманинг ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш салоҳиятининг сифати, рақобат мухитини вужудга келтиришга давлатнинг таъсири ва бошқаларга боғлиқ.

Миллий рақобатбардошликни ошириш муаммоси ниҳоятда мажмуавий ва кенг кўламли характерга эга ва айниқса УСТГа қўшилишга интилаётган даврда Ўзбекистон учун унинг аҳамияти жуда катта. Мъалумки, УСТГа қўшилишда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган тармоқлар ютади.

Жаҳонда ошиб бораётган талабларни ҳисобга олган ҳолда ташки савдо сиёсатини ривожлантириш Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотларда иштирок этишига ва УСТнинг талабларини савдо сиёсатига ҳисобга олишга имкон яратади. Хитой тажрибаси кўрсатишича, Ўзбекистоннинг УСТГа қўшилиши жиддий институционал ислоҳотларни амалга оширишин тақозо этади. Қўшилиш жараёни тариф тўсикларини пасайтирилиши ва нотариф тўсикларнинг аста-секин бартараф этилиши билан бирга кечади. Ўзбекистонлик экспорт қилувчиларга бошқа давлатлар бозорларига киришнинг қўшимча имкониятлари очилиши, шунингдек савдо тўсикларининг камайтирилиши ва бартараф этилиши Ўзбекистондан экспорт қилинаётган рақобат устунлигига эга товарларга талабни кўпайтириш имкониятини беради. Ушбу ҳолат, масалан республиканинг озиқ-овқат саноатида ўсиш ва ривожланишнинг барқарор манбаига айланishi мумкин.


Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ташки савдо сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши мавжуд савдо режимини УСТ талабларига мослаштиришдан иборатdir. УСТ талабларига мувофик ташки савдони либераллаштириш миллий иқтисодиёт очиқлигини ошириш, рақобат мухитини яратиш, нархлар номутаносиблиггини тузатиш, ресурсларни самаралироқ тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, ҳалқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан тўлиқроқ фойдаланиш ҳамда ахолининг турмуш фаровонлигини ошириш имконини яратади.

Шунингдек, диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси ташки савдосининг ривожланиш динамикаси таҳлил қилинган. Савдо алокалари иккни йўналишда: МДҲ мамлакатлари ва узоқ ҳорижий мамлакатлар билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1994-2006 йилларда ташки савдосининг ривожланиш динамикасини ўрганар эканмиз, ташки савдо айланмасининг бир текис ривожланмаётганлигини кузатамиз.

З-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, ташки савдо айланмасининг умумий ҳажми 1996 йилда энг юқори кўрсаткични, яъни 9,3 млрд. долларни ташкил этган. У олдинги йилга нисбатан деярли 41 фоизга

ўсган. 1994-1996 йиллар мобайнида ташки савдо ҳажми мунтазам ўсиб борган. 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон ташки савдо ҳажми кискариш тенденциясига эга. Бу пасайиш 1997-1998 йилларда рўй берган Осиёдаги молиявий ва Россиядаги иқтисодий дефолт билан боғлик деб хисоблаймиз. 1997 йилда ташки савдо айланмаси 4,6 фоизга, 1998 йилда - 23,5 фоизга, 1999 йилда - 6,9 фоизга пасайган. Ташки савдо айланмасининг пасайиш тенденцияси 2000 йилгача давом этди ва 2002 йилда аста-секин барқарорлашди. 2004 йилда Ўзбекистон ташки савдо обороти деярли 8,7 млрд. долларни, 2005 йилга келиб эса 1996 йилдаги рекорд кўрсаткичдан ўтиб кетилди ва 9,5 млрд. долларни ташкил этди.

3-расм. Ўзбекистон ташки савдо айланмаси динамикаси.



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси мазъумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ташки иқтисодий алоқаларни босқичма-босқич эркинлаштириш жараёни ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. 2004 йилда 2003 йил ташки савдо ривожланишидаги тенденциялар мустаҳкамланди.

2005 йилда четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 11,5 фоизга ўсгани ўртимиизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилаётган ютукларнинг мухим натижаси бўлди. Айни пайтда умумий экспорт ҳажмиди тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди. Бизнинг фикримизча, бу ташки савдода мустақиллик йилларидағи энг юқори кўрсаткич - 1,3 миллиард АҚШ долларни миқдоридаги ижобий сальдога эришиш имконини берди. Натижада мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси 1,3 марта кўпайди, бу эса аввало, иқтисодиётимизнинг ташки бозор ўзгаришларига баркарорлиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Республикамизнинг иқтисодий ривожланиши, жаҳон иқтисодиётига кенг кўламда интеграцияшувини таъминлаш, ҳалқаро меҳнат таксимоти афзаликлиридан фойдаланиш мақсадида экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, товар сифатини жаҳон андозалари асосида такомиллаштириш ва экспортини таъминлаш долзарб вазифалар қаторига киради. Бу жараёнда таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналиши сифатида

экспортнинг ҳудудий ва товарлар таркибини такомиллаштириш, ялпи ички маҳсулотда экспорт салмогини ошириш орқали мамлакат иқтисодий салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш лозим. Бу эса республикамиз ташки савдоси самарадорлигини ошириш имконини беради.

Фикримизча, яқин истиқболда Ўзбекистон ташки иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқища Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан савдо-иктисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бу эса минтақада жадал ривожланаётган мамлакатларда валюта заҳираларининг тўпланиши уларнинг Ўзбекистондаги инвестиция фаолияти учун имкониятларни кенгайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Хитой билан ҳалқаро иқтисодий муносабатлари барқарор ривожланмоқда. XXР 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини тан олди ва 1992 йил 2 январда иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Хитойга ташрифлари (1992, 1994, 1999, 2001, 2005 йиллар) мухим рол ўйнади. Ушбу ташрифлар чоғида ўзбек-хитой давлатлараро муносабатлар асосини ташкил этувчи хужжатлар имзоланди. 2006 йил майда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантирувчи мухим қадам бўлиб хизмат килади. Ўзбекистон Республикаси ва XXР ўртасида икки томонлама ҳамкорлик жараённида кўпгина кўшма фаолият соҳаларини камраб олувчи 114 та ҳалқаро-хукуқий хужжатлар имзоланди. Хитой томони Ўзбекистонга глобаллашув шароитида XXР учун мухим кизиқиши тугдирувчи ва Марказий Осиёдаги вазиятга катта таъсир кўрсатувчи минтақавий йирик мамлакат сифатида қарайди. Ҳозирги вақтда икки мамлакат ўртасида энг кулай режим ўрнатилган ва иқтисодий алоқалари мунтазам ривожланиб бормоқда. (4-расм).

4-расм. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида савдо алоқаларини ривожланиш динамикаси (млн.АҚШ долларни)



Манба. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарх. Т.: 2005 йил. №8

Бизнинг фикримизча, Хитойни ижобий натижалар берган ташки иктисодий сиёсатидан ўтиш даври мамлакатларида адекват фойдаланишинг асосий йўналишлари кўйдагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Хитойнинг ислоҳатлар ва модернизациялаш сиёсати миллий хусусиятлар, мамлакатнинг геосиёсий ҳолатини эътиборга олган ҳолда қурилган. Бу сиёсат тадбирларида шундай кетма-кетлик назарда тутилдики, у биринчи навбатда иктисодиётнинг энг муҳим, лекин қолок соҳаларини камраб олган ва энг киска муддатда натижага эришиш имкониятини яратган;
- ислоҳотлар мавжуд давлат ҳоқимиятини саклаб қолган ва бозор қонунчилиги такомиллаштирилган ҳолда иктисодиётнинг турли тармоқларини бозорга аста-секин кириб боришини, янги нодавлат ва хусусий мулк шаклларини шакллантиришни назарда тутар эди. XXР Конституциясига принципиал ўзгаришлар киритилиб, улар ҳукукий жиҳатдан барча мулк шаклларини тенглаштириди, улар хавфсизлигининг кафолатчиси бўлиб эса давлат ҳисобланади.
- Хитой ҳукумати иктисодий ўзгаришларни аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ҳисобга олиб амалга оширади;
- мамлакатда барқарор молиявий-иктисодий қонунчиликни ўрнатиш йўли танлаб олинган бўлиб, унинг асосида давлат, хусусий тадбиркорлар ва хорижий сармоядорлар манфаатларини ҳисобга олиш ётади;
- бозор иктисодиётининг глобаллашуви ва мулк ҳукукларининг ҳалқаро ҳимояланиши талабларига мос келиш мақсадида Хитой қатор ҳалқаро шартномаларни имзолаган бўлиб, улар УСТга қўшилиш учун ҳукукий пойдеворни яратди;
- Хитойнинг очиқлик сиёсати энг аввало, ҳалқаро амалиёт талаблари асосида ташки иктисодий фаoliятни амалга оширишни англатади. Ташки савдо ислоҳоти амалга оширилди, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштириш бекор қилинди, божхона тўловларини умумий даражаси мунтазам ва босқичма-босқич пасайтирилмоқда.

Хитой ташки иктисодий фаoliятини ривожлантириш стратегияси мамлакатнинг жаҳон ҳўжалик тизимиға интеграциялашуви шароитида XXI аср ниҳоясига келиб ривожланган мамлакатлар даражасига эришишга қаратилган.

3.ХУЛОСА

Тадқиқот ишида эришилган натижалар асосида кўйидаги хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқарилган:

1.XXI асрда глобаллашув жаҳон иктисодиёти ривожланишининг асосий йўналиши бўлади ва шунинг билан бирга минтақавий интеграция умумий глобаллашув жараёнининг элементи сифатида бу ривожнинг омили бўлиб қолади. Ушбу жараёнда Осиё алоҳида ўрин тутиб, жаҳон иктисодиётининг баркарор ва узлуксиз ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

2.Глобаллашувнинг ривожланиши жараёнда мамлакатлар ўз ташки иктисодий сиёсати стратегиясини баркарор иктисодий ўсиш, аҳоли даромадларининг ўсиши, илфор технологиялар, саноатлаштириш, сармояларни

жалб этишни тартибга солишини таъминловчи бозор механизмлари асосида шакллантириади.

Бу шароитда ХХРдаги кенг кўламли ижобий натижаларга олиб келган асосий омилларга кўйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатнинг ташки дунёга босқичма-босқич интеграциялашуви;

- ислоҳ килишининг асосий усули сифатида иқтисодиётнинг бутунлай эркинлаштирилиши эмас, балки бозор томон босқичма-босқич тажрибавий текширувлар билан ўтилиши;

- ислоҳотларнинг дастлабки йилларида ёк турли мулк шаклидаги, яъни жамоат, шахсий, хусусий, кўшма (хорижий шериклар иштироқидаги) хўжаликларнинг ривожлантирилиши;

- Ҳукумат миллий ва хорижий тажрибани ўрганиб, ислоҳотни ўзга кўрсатмалар бўйича эмас, балки мамлакат хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш зарур деган хulosага келди ва «хитойча хусусиятли социализмни қуриш» йўлига қатъий туриб олди.

3. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Хитой мисолида ривожланаётган мамлакатлар глобаллашув жараёнида иштирок этишдан энг кўп фойда олишлари мумкин ва бунда таваккалчилкларни эътиборга олиши лозим. Умуман олганда, Хитойда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаган омилларга кўйидагиларни киритиш мумкин: ўз вактида чукур аграр ислоҳотларни олиб бориш; фаол экспортга йўналтирилган сиёсат; иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва бунинг натижасида иқтисодий ўсиш давлатга тегишли эмас, балки хусусий корхоналар ҳисобига таъминланиши; иқтисодий дастурлар ва давлатнинг иқтисодиётта аралашуви маъмурий эмас, балки пировард натижалар (экспортнинг, меҳнат унумдорлиги ва самарадорликнинг ўсиши ва ҳ.к.) билан боғланган кучли иқтисодий рагбатлар ёрдамида амалга оширилиши; иқтисодиётнинг устивор тармоқларига йирик ҳажмдаги инвестициялар жалб килиш дастурлари ишлаб чикилиши ва амалга оширилиши деб хисоблаймиз.

4.Хитой Ҳалқ Республикасининг замонавий ташки иқтисодий фаолияти иқтисодиётнинг ривожланиш самарадорлигига, ички ва ташки омиллар мувозанатига бевосита таъсир кўрсатувчи алоҳида соҳасига айланмоқда. Глобаллашув шароитида, бозор ислоҳатларининг янги йўналишларини тадбик этилиши ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни талаб қиласди.

Хитой иқтисодий ислоҳотлари ва модернизациясининг асоси бўлиб, очиқлик сиёсати хисобланади. Очиқлик сиёсати, энг аввало, глобаллашув шароитида ташки иқтисодий фаолиятни шу тарзда амалга оширишни англатади. Хитойда ташки савдо ислоҳотини ўтказиш, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштиришни бекор килиш, божхона тўловларини умумий даражасини пасайтириб бориш мунтазам ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Марказий банк ва давлатнинг хорижий капитал кўйилмалари учун хукуқий ва иқтисодий кафолатлари комплекс тизими ташкил этилган. Давлат керакли шароитларга эга давлат корхоналарининг бевосита инвестицияларни жалб килиш максадида ҳалқаро молия бозорига чиқишини ҳар томонлама кўллаб-куватлади.

5. Глобаллашув шароитида Хитойнинг иқтисодий ривожланиши дастурининг мухим йўналишларидан бири бўлиб мамлакатни жаҳон хўжалигига, шу жумладан халқаро савдо тизимига интеграциялашви стратегияси ҳисобланади. Бу асосий иқтисодий стратегия бўлиб, у жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараённида миллый иқтисодиётларнинг баркарор ҳолатни эгаллашига имкон беради.

6.Хитой-Ўзбекистон халқаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш стратегик шериклик, иккала мамлакатнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида фаол аъзолигини эътиборга олган ҳолда ўзаро манфаатдорлик асосида ва ҳамкорлик тамоилиларида қурилишини мунтазам таъминлашга эътиборни кучайтириш керак.

7.Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда ташқи савдонинг ролини янада орттириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ошириб бориш орқали жаҳон бозорида республика ўзига хос мустаҳкам ўрнини эгаллаши учун пахтачилик билан боғлиқ енгил саноат турларини устивор навбатдаги экспортга йўналтирилган тармоқлар деб эълон қилиниб, шундан келиб чиқсан барча эътибор ва имтиёзларни уларга қаратиш лозим.

8.Миллий иқтисодиётнинг УСТнинг қоидалари ва шартларига мослашувининг бошлангич босқичида таваккалчиликлар ва ҳаражатларни камайтириш учун Ўзбекистоннинг УСТга қўшилишининг рационал стратегияси ўтиш даври босқичига хос талабларни ўз ичига олиши керак. Ушбу босқичда Хитойнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўтиш босқичи давомида кўпчилик импорт қилинувчи товарлар бўйича ставкалар ҳозирги мавжуд даражада сакланиб қолади ёки аста секин ва жуда оз микдорда камайиб боради. Бу тарифлар соҳасидаги сиёсат протекционистик характеристикага эга бўлиши ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини (озик-овқат саноати, енгил саноат, кимё саноати) кўллаб-куватлашга қаратилган бўлиши керак.

9.Ўзбекистоннинг УСТга қўшилишида ташқи ракобатнинг салбий оқибатларини максимал юмшатиш учун институционал ўзгаришлар, хусусий секторни ривожлантириш, ишлаб чиқариш-технологик салоҳиятини кўтариш, ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш ва модернизация қилишни тезлаштириш лозим.

10.Ўрганилган тажриба ва тадқиқотнинг хотимаси сифатида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўтиш даврининг самарали бозор механизмини жорий этиш борасида нархлар ракобатбардошлигини ошириш, тарифли тартибга солишини жорий этиш, инвестицион мухитни ва миллый хавфсизликни ҳисобга олган ҳолда банк тизимини эркинлаштириш, фонд бозоридан фойдаланишини такомиллаштириш каби зарур макроиктисодий тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

4. Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

1. Асадуллаева И.Р. Стратегия интеграции зарубежных стран в мировую экономику // Ж.Иқтисодиёт ва таълим. №4, 2005., 137-1406.
2. Асадуллаева И.Р. Эффект экспорта продукции Республики Узбекистан.// «Устоз-шогирд» тизими доирасида «Фан ва иқтисодий тараққиёт» мавзусидаги Респ.илм.амал. анжуман матер.- Ташкент., 2005.,37-39 б.
3. Асадуллаева И.Р. Экономико-правовые аспекты вступления Республики Узбекистан в ВТО. Научно-методическая брошюра. - Ташкент, ТГЭУ 2004, 5.06.
4. Асадуллаева И.Р. Качественные показатели конкурентоспособности. // Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари. Респ.илм.амал.анж. матер.-Ташкент.2005, 187-188 б.
5. Мировая экономика и международные экономические отношения.(кол.ав. Асадуллаева И.Р.) Учебное пособие. Т. ТГЭУ.2002 (5.0 п.л.)
6. Asadullaeva I.R., Nazarova R.R. Globalization and the individual character of national economic development. // Ж. Business education and foreign languages for tourist service and for the tourism. - Донецк,2004., 132-133c.
7. Гулямов С.С., Асадуллаева И.Р. Информационные и коммуникационные технологии в развитии прогресса. // «Устоз шогирд» тизими доирасида “Фан ва иқтисодий тараққиёт” мавзусидаги Респ.илмий-амалий анжуман матер. Ташкент, 2005, 19-22 б.
8. Асадуллаева И.Р., Бабаджанов Б.Б. Возможности экспорта продукции Республики Узбекистан.. // XVIII Международные Плехановские чтения. Тезисы докладов.- Москва..2005., 51-52c.
9. Асадуллаева И.Р., Маджидов М. Либерализация развития экономической интеграции Республики Узбекистан. // XIX Международные Плехановские чтения. Тезисы докладов.- Москва.2006, 155-156 с.
10. Asadullaeva I.R., Din Z. The national economy in the transition period // Ж.Иқтисодиёт ва таълим. №2, 2006., 129-134б.
11. Asadullaeva I.R., Nazarova G., Din Z. Advantages and difficulties, challenges of the national economy in the new development period/ Case: Vietnam-China // The 4th Int-l Joint Conference-Korea- Uzbekistan- Кыргыз Республика in 2006 "Global academic networking on business innovation, economic growth, Human resources, and Information technology"- Bishkek.2006.july10-13,202-205p.p.
12. Асадуллаева И.Р., Каримова З. Стратегия поступательного развития Китая в мировой экономике //Ж. .“Иқтисодиёт ва таълим”, №4, 2004 йил, 152-156 б.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Асадуллаева Индира Рустамовнанинг 08.00.11 – «Хорижий
мамлакатлар иқтисоди» ихтинослиги бўйича «Хитой ташки иқтисодий
фаолиятига глобаллашувнинг таъсири: умумжахон тенденциялар ва
намоён бўлиш хусусиятлари» мавзусидаги диссертациянинг**
РЕЗЮМЕСИ

Таянч иборалар: глобаллашув, ташки иқтисодий фаолият, ташки савдо, эркинлаштириш, экспорт, импорт, инвестиция, иқтисодий интеграция, Умумжахон савдо ташкилоти, модернизация, экспортга йўналтирилганлик, савдо-иктисодий ҳамкорлик.

Тадқиқот обьекти: XXR ташки иқтисодий фаолияти ва Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий мажмуаси.

Ишнинг мақсади: Глобаллашув шароитида Хитойнинг ташки иқтисодий фаолияти шакллари амалга ошириши орқали жаҳон хўжалигига интеграциялашуви тажрибасини умумлаштириш асосида Ўзбекистон ташки иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш борасида илмий, услубий ва амалий тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тақиқот усуллари: тадқиқот жараённида статистик, график, таққослама, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: глобаллашув шароитида Хитой Халқ Республикаси ташки иқтисодий фаолияти хусусиятлари назарий, методологик жиҳатдан асослаб берилган; глобаллашувнинг ташки савдони либераллаштириш жараёнларига таъсири таҳлил қилинган; XXR ташки савдосининг ривожланиши динамикаси таҳлил этилган; Ўзбекистон Республикасининг XXR билан савдо-иктисодий ҳамкорлигининг ривожланиш истиқболлари ўрганилган; Хитой ташки иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички ва ташки омиллар тизимлаштирилган; Хитойнинг ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги тажрибаларини Ўзбекистонга татбиқ этиш имкониятлари аниқланган; Ўзбекистонда ТИФни ривожлантириш истиқболлари белгиланган

Амалий аҳамияти: жаҳон глобаллашуви шароитида XXR ташки иқтисодий фаолиятидаги тажрибаларни ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолиятини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш юзасидан берилган амалий тақлиф ва тавсиялардан интеграцион жараёнлар ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришида, хусусан ташки савдо соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда фойдаланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Ишлаб чиқилган тавсиялар Давлат Фан ва технологиялари маркази томонидан (№ 27-742 24.09.2005й.), Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (№ 701, 21.09.05й.) томонидан амалиётда қўллашга тавсия этилган.

Қўлланиш соҳаси. Ташки иқтисодий фаолият ва ташки савдо комплекси, ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги; Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги; ЎзР Савдо-саноат палатаси амалий фаолиятида қўлланиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Асадуллаевой Индире Рустамовны на тему: “Воздействие глобализации на внешнеэкономическую деятельность Китая: общемировые тенденции и особенности проявления” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.11-“Экономика зарубежных стран”.

Ключевые слова: глобализация, внешнеэкономическая деятельность, внешняя торговля, экспорт, импорт, инвестиции, экономическая интеграция, Всемирная торговая организация, модернизация, экспорт ориентированность, конкурентоспособность, торгово-экономическое сотрудничество.

Объекты исследования: внешнеэкономическая деятельность Китая, внешнеторговый комплекс Республики Узбекистан.

Цель работы: на основе обобщения опыта Китая, его интеграции в мировое хозяйство через осуществление форм внешнеэкономической деятельности в условиях глобализации экономики разработать научные, методические и практические рекомендации по совершенствованию внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан.

Методы исследования: в процессе исследования были использованы методы статистического, графического, сравнительного, экономического анализа.

Полученные результаты и их новизна: теоретически и методологически обоснованы особенности внешнеэкономической деятельности Китая в условиях глобализации; проанализированы влияние глобализации на либерализацию внешней торговли; проведен анализ динамики развития внешней торговли Китая; изучены перспективы развития торгово-экономического сотрудничества Республики Узбекистан и КНР; систематизированы внутренние и внешние факторы, оказывающие влияние на внешнеэкономическую деятельность Китая; выявлены возможности адекватного применения опыта внешнеэкономической деятельности Китая в условиях Узбекистана; определены перспективы развития внешнеэкономической деятельности Узбекистана.

Практическая значимость: разработанные практические предложения и рекомендации по либерализации и совершенствованию внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан в условиях глобализации мировой экономики могут быть использованы в развитии процессов интеграции и рыночных реформ, в частности в решении проблем в сфере внешней торговли.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты исследования были рекомендованы к практической деятельности Государственным центром по науке и технологиям (№ 27-742, 24.09.2005г.), Торгово-промышленной палатой Республики Узбекистан (№ 701, 21.09.05г.)

Область применения: результаты исследования могут быть применены в сфере внешнеэкономической деятельности, внешнеторгового комплекса, Министерством экономики РУз; Министерством внешних экономических связей, инвестиций и торговли; Торгово-промышленной палатой Республики Узбекистан.

RESUME

Thesis of Asadullaeva Indira Rustamovna presented to get Candidate's degree of economic sciences on speciality 08.00.11 – "Economy of foreign countries" Subject:

"Influence of globalization on foreign- economic activity of China: world-wide tendencies and peculiarities of manifestation"

Key words: globalization, foreign economic activity, foreign trade, export, import, investments, economic integration, WTO, modernization, export orientation, competitiveness, trade-economic cooperation.

Subject of the inquiry: foreign economic activity of China, foreign trade complex of the Republic of Uzbekistan.

Aim of the inquiry: Creating of scientific, methodological and practical recommendations by the using China's experience on the basis of the definitions, content and peculiarities of integration of China into the world economy within implementation of the forms of foreign economic activity in the conditions of globalization of economy.

Method of inquiry: during research methods of special statistical, graphic, comparative and economic analysis have been used.

The results achieved and their novelty: in conditions of globalization the peculiarities of foreign economic activity of China theoretically and methodologically have been exposed; influence of globalization of foreign trade has been analyzed; the analyses of dynamics of development of foreign trade of China have been made; prospects of development of trade economic cooperation between the Republic of Uzbekistan and China have been studied; domain and foreign factors influenced of foreign economic activity of China have been systematized; possibilities of adequate adoption of experience in foreign economic activity sphere of China in conditions of Uzbekistan have been exposed; prospects of development of foreign economic activity of Uzbekistan have been defined.

Practical value: the elaborated practical proposals and recommendations on development and liberalization of foreign economic activity of the Republic of Uzbekistan in condition of globalization of the world economy may be used in development of integration process and market reforms, in particular, of the solution of foreign trade sphere problems.

Degree of embed and economic efficiency: the main results of research have been used in the practical activity of Government Center of sciences and technologies (№ 27-742, 24.09.2005г.), Chamber of Commerce Industry of the Republic of Uzbekistan (№701, 21.09.05 г.)

Sphere of usage: the results of research can be used in sphere of foreign economic activity, foreign trade complex; the Ministry of Economy; Ministry of Foreign Economic Relations, investments and trade; Chamber of Commerce Industry of the Republic of Uzbekistan.

Тадқиқотчи: 